

ОКТАБРЬ
ОЙ МАВЗУСИ: “ЎЗБЕКИСТОНДА КУЗ”

Гуруҳ	Ўрта					
Мавзу	Олтин куз					
Муддати	Октябрь ойининг 1-ҳафтаси					
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Мувозанатни сақлаган ҳолда кадамма-қадам юриш малакаларини ривожлантириш.Тўсиқлардан сакраб ўтиб турли усуллар билан сакрашга ўргатиш.				
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Тенгдошлар билан ўйин давомида самимий муносабатга киришиш ва катталарга тўғри мурожаат қилишга ўргатиш.				
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Саволлар бериш ва ўз фикрини баён этишга, берилган саволни тушишга ва унга тўғри жавоб беришга ўргатиш. Бадиий асарни тинглаб сўнг айтиб бериш, расмларнинг устидан чизиш ва бўяш малакаларини янада шакллантириш.				
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Предметларни узун ва қисқа, катта ва кичиклигига нисбатан солиштириш малакаларини ривожлантириш.Йил фаслларига хос табиат ҳодисаларини билиш, геометрик шаклларни айта олиш малакаларини ривожлантириш.				
	Ижодий ривожланиш	Саҳна кўринишларида иштирок этиш. Мусиқа асбобларини чала олиш.				
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият				
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума
Эркин фаолият	Қуриш-яшаш ва математика	Пазл йиғиш: “Бу нима?”		Табиий материаллардан қўл иши		Пазл, геометрик шакл, модул, табиий материал, ўйинчоқ, расм, чизма ва намуналар
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва саҳналаштириш	Куз фаслига меҳмонга				Куз фасли мавзусига доир адабиёт, кўргазма, сюжетли-ролли ўйин атрибутлари
	Тил ва нутқ	Кузнинг белгилари		Ҳамид Олимжоннинг “Куз” шеърини ёд олиш		Сюжет расм, слайд, куз ҳақида видеоролик
	Фан ва табиат	Амалий тажриба: Ҳаво				Қоғоз, шарик, сув, стакан, тарози, пуфаклар
	Санъат	Лой иши: Қўзқоринлар		Аппликация: Майсадаги қўзқорин	Расм: Кузги дарахат новдаси	
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш					

ОКТАБРЬ. БИРИНЧИ ҲАФТА ОЛТИН КУЗ

Қуриш-ясаиш ва математика маркази

Пазл йиғиш: Бу нима?

Мақсад: болалар чизма ва ўз тасаввурларига таяниб қурадилар, мураккаб шаклларни номлайдилар, шакл ва ҳажмни биладилар, тартиб билан санайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: пазл, геометрик шакл, модул, “Олтин куз” мавзусига оид сурат.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Олтин куз” мавзусидаги суратни томоша қилиш.
2. “Бу нима?” таълимий ўйин.
3. “Топ, нечта?” (тенглик – тенгсизлик) таълимий ўйин.
4. Қуриш-ясаиш.
5. Болалар ишларини муҳокама қилиш ва рағбатлантириш.

Қўшимча: топишмоқлар айтиш, куз ҳақида бадиий адабиётлар ўқиш.

Эътиборга молик жиҳати: образли фикрлашни ривожлантириш, ақлий ва амалий фаолият, ўйлашга хоҳиш уйғотиш, ўз хоҳиш истаги бўйича ижодий ва ижобий натижаларни яратиш.

Қуриш-ясаиш ва математика маркази

Табиий материаллардан қўл иши

Мақсад: болалар тасаввурлари орқали конструкциялар ясайдилар, предметларни бир-бирига улайдилар, геометрик шаклларни номлайдилар, табиатга бўлган меҳр ҳиссини акс эттирадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: табиий материал, ўйинчоқл, чизма, расмлар, деталларни ёпиштириш учун пластилинлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Табиий материаллардан нималар қилиш мумкин? Суҳбат
2. “Нимага ўхшайди?” таълимий ўйин
3. Болаларнинг амалий ишлари.
4. Болалар ишларини муҳокама этиш ва рағбатлантириш.

Қўшимча: табиатни асраш ва авайлашга ўргатиш, тарбиячи ўз композициясини таклиф этиши мумкин.

Эътиборга молик жиҳати: болаларни намуналарни таҳлил қилиш, конструктив ечимни топишга ўргатиш.

Қуриш-ясаиш ва математика маркази

Оригами: Замбуруғ

Мақсад: болалар қоғоздан шакл ясай оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ўлчами 15/75 бўлган қизил тўғри тўртбурчак, ўлчами 10/10 бўлган яшил тўртбурчак, елим, мўйқалам, салфетка, “Ўрмончи чол” ўйинчоғи, қўзиқоринлар расми.

Фаолиятнинг бориши:

1. Қўзиқоринларни томоша қилиш.
2. Иш жараёнини босқичма-босқич кўриб чиқиш.
3. “Тўғри жойлаштир” таълимий ўйин
4. Амалий иш жараёни.
5. Болалар ишларини таҳлил қилиш ва рағбатлантириш.

Қўшимча: болаларга кўзикорин ясашни таклиф этиш ва болалар жамоаси билан “Кўзикоринли маконни яратиш”. Истеъмол қилинадиган ва истеъмол қилинмайдиган кўзикоринлар ҳақида маълумот бериш.

Эътиборга молик жиҳати: қоғозни турли йўналиш бўйича тахлаш, кўз билан чамалаш малакаларни шакллантириш, бармоқлар ҳаракатини тўғри йўналтиришга ўргатиш, тартиблилик ва қатъийликни тарбиялаш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

Куз фаслига меҳмонга

Мақсад: болалар куз ҳақида тушунчага эга бўладилар, барглarning тилла ранг бўлишини биладилар, табиатдаги кузнинг гўзаллигини кўра оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: куз фасли ҳақида бадий адабиётлар, сюжетли-ролли ўйинлар учун атрибутлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ўйинни режалаштириш.
2. “Йил фасллари”, “Ўзбекистонда куз фасли” сюжетли расмларни томоша қилиш.
3. “Қайси дарахтдан барг тушди?” таълимий ўйин.
4. Куз баргларида гербарийлар тайёрлаш.
5. Куз ҳақида топишмоқлар топиш.

Қўшимча: табиатни кузатганлиги ҳақида ҳикоя, “Олтин куз”, “Кузнинг ажойиб неъматлари” мавзусида ҳикоя тузиш.

Эътиборга молик жиҳати: мавсумий ўзгаришлар - кун қисқа, тун эса узун, куз ойларининг номларини билиш, болалар луғатини мавзуга оид сўзлар билан бойитиш.

Тил ва нутқ маркази

Кузнинг белгилари

Мақсад: болалар куз белгилари, табиатда куз фаслидаги ўзгаришларни биладилар, топишмоқлар топа оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: куз фаслига оид расмлар, АКТ.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Куз” ҳақидаги расмни кузатиш ва ҳикоя қилиш.
2. Расмларга қараб ҳолатни тавсифлаб бериш.
3. “Яхши – ёмон” таълимий ўйин.
4. Куз мавсумига доир топишмоқ ва мақоллар.
5. “Ортиқчасини топ” таълимий ўйин
6. Куз ҳақида ҳикоя тузиш.

Қўшимча: теварак-атроф ҳақидаги билим ва тасаввурларни мустаҳкамлаш, луғат бойлигини бойитиб бориш. Тарбиячи кузнинг белгилари ҳақидаги ҳикояни ўқиб (айтиб) бериши мумкин.

Эътиборга молик жиҳати: куз ҳақидаги топишмоқларни тўғри айтиш, тинглашни билиш, табиатга меҳр-муҳаббатни уйғотиш.

Тил ва нутқ маркази

Ҳамид Олимжоннинг “Куз” шеърини ёд олиш

Мақсад: болалар шеърни ёд оладилар, шеър муаллифини биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: Ҳ.Олимжон портрети, АКТ

Фаолиятнинг бориши:

1. Куз ҳақида видеоролик намойиши.

2. Шеърни ифодали ўқиш (овозли ёзувни тинглаш).
3. Шеър муаллифи, мазмуни бўйича суҳбат.
4. Шеърни ёд олдириш.

Қўшимча: куз ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш, болалар луғатини бойитиб бориш.

Эътиборга молик жиҳати: шеърни ифодали ўқиш.

Фан ва табиат маркази

Тажриба: Ҳаво

Мақсад: болалар ҳавонинг айрим физик ҳолатларини биладилар, масалалар еча оладилар, хулоса чиқарадилар, теварак-атрофга қизиқиш билан қарайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: коғоз, 3 та пуфак, 2 та идишда сув, стакан, тарози, ҳаво тўлдирилган пуфак, салфеткалар.

Фаолиятнинг бориши:

1-тажриба: Ҳавонинг ҳаракати

Юзингиз олдида қўлингизни силкитинг. Нимани сезяпсиз? Қўлингизга пуфланг. Нимани ҳис қилдингиз? Буларнинг ҳаммаси ҳавонинг ҳаракати орқали намоён бўлади.

2- тажриба: Сувда ҳаво бор

Бир стакан сувни олинг. Сувга чўпни солиб пуфланг. Нима содир бўлди? Пуфакчалар қаердан пайдо бўлди? Сиз ҳавони чиқардингиз ва у сувда кўпик ҳолатида пайдо бўлди.

3-тажриба: Сувда кўпикчалар пайдо бўлади

Губкани томоша қилинг. Нимани кўряпсиз? (тешикчаларни). Бу тешикчаларда нима бор? (ҳаво). Губкани сувга солсак нима бўлади? Сувда пуфакчалар пайдо бўлади- ҳаво тешикчалар орқали сувга чиқади.

4-тажриба: Парашют

Парашют қандай тушишини айтинг, парашют ерга тушаётганда унда гумбаз ҳосил бўлади ва ҳаво унинг мувозанатини ушлаб турганлиги учун ерга секин тушади.

5-тажриба: Кўринмас ҳаво

Ҳаво шакл ва хидга эга эмас, йўналиш бўйлаб тарқалади. Хидли салфеткалар ёки апельсиннинг пўстини олинг. Болаларга хона бўйлаб тарқалган ҳидни ҳис қилишни таклиф этинг.

6-тажриба: Ҳаво вазни

Идишларга ҳаво тўлдирилган пуфак ва ҳаво тўлдирилмаган пуфакни солинг. Ҳаво тўлдирилган пуфак ўз вазнига эга.

Қўшимча: ҳавонинг инсон ҳаётида аҳамияти.

Эътиборга молик жиҳати: идрокни ривожлантириш.

Санъат маркази

Кўзиқоринлар

Мақсад: болалар юмалоқ ва овал шакллари ясай оладилар, геометрик шаклларни номлай оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: намуна, пластилин, салфетка, тахтача, тайёр ишларга саватча.

Фаолиятнинг бориши.

1. Намунани кўриш ва ўрганиш.
2. Ҳажм ва шакл ҳақида суҳбат.
3. “Ким кўзиқоринни севади?” таълимий ўйин.
4. Амалий иш.
5. Кўзиқоринларни терамиз ва ўрмон ҳайвонларига олиб борамиз.

Қўшимча: ҳикоя туза олиш, болалар луғатини шакллантириш.

Эътиборга молик жиҳати: қўл майда моторикасини ривожлантириш, фикрлаш қобилиятини шакллантириш, ишдаги саранжом-саришталикка эътибор бериш.

Санъат маркази

Аппликация: Майсадаги қўзиқорин

Мақсад: болалар овал шаклидан қўзиқорин ясай оладилар, қоғозга тўғри жойлаштирадилар, қайчини тўғри ушлайдилар ва қирқадилар. Қўзиқоринларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини ранги, ўлчами орқали ажрата оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: намуна, қўзиқорин муляжи, картон, рангли қоғоз, елим, қайчи, мўйқалам, чизмалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Қўзиқорин муляжини томоша қилиш.
2. Иш техникаси билан таништириш.
3. Қўзиқорин ҳақида топишмоқлар айтиш.
4. “Таърифига кўра аниқла” таълимий ўйин
5. Амалий иш.
6. Болалар ишлари кўргазмасини ташкил этиш.

Қўшимча: “Қўзиқорин тагида” эртагини ўқиш, расмларни томоша қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: ишдаги саранжом-саришталикка эътибор қилиш.

Санъат маркази

Расм: Кузги дарахт новдаси

Мақсад: болалар кузги дарахт новдасини чиза оладилар, баргларнинг рангига алоҳида аҳамият берадилар, бўёқларни аралаштириб янги ранглар ҳосил қилишни биладилар. Дарахт номларини айтадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: сюжетли расм, қалам, ўчирғич, акварель бўёғи, А-4 ҳажмли қоғоз, стаканда сув ва салфеткалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Кузги дарахт новдасини томоша қилиш.
2. Чизма билан танишиш.
3. Рангларни аралаштириш тартиби билан таништириш.
4. “Қайси дарахтдан барг тушди?” таълимий ўйин
5. Амалий иш.
6. Тайёр расмларни таҳлил қилиш ва болаларни рағбатлантириш.

Қўшимча: ҳар хил дарахт новдаларини томоша қилиш. Мавзу асосида савол-савоб.

Эътиборга молик жиҳати: рангларни танлай олиш ва уларни аралаштириш, қўл майда моторикасини ривожлантириш, саранжом-саришта ишлаш.